

**Ягонасан, муқаддас Ватаним, себги ва садоқатим
сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!**

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 8 август • № 31 (1000)

Семинар

ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ



2014 йилнинг 6 август куни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги “Аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масаллари” мавзусидаги республика семинари бўлиб ўтди. Унда мавзуга дахлдор бўлган республика тиббиёт муассасаларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни Тошкент вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов кириш сўзи билан очиб, мазкур республика семинари ҳудудлар кесимида ўтказилаётганлигининг ўзига хос муҳим жиҳатлари борлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган самарали ишлар тўғрисида ўз фикрларини билдириб, жумладан, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга алоҳида урғу бериб ўтди. Шу билан бирга, эришилаётган муваффақиятлар қаторида мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида ҳам тўхталди. Сўнгра семинар иштирокчиларига Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги даволаш-профилактика муасса-

салари фаолиятларига бағишланган видеолавҳалар намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов республика миқёсида ўтказилаётган бу каби семинарлар мавзуси жиҳатдан бир мақсадга йўналтирилган бўлса-да, улар тиббиётнинг турли йўналишларини кенг қамраб олаётганлигини айтиб, кўзланган мақсадларга эришилаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизimini мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат

(Давоми 2-бетда).

Тиббий ислохотлар

КЎЧМА ДОРИХОНАЛАР ИШГА ТУШДИ

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда барча соҳалар каби, соғлиқни сақлаш тизими ҳам бутунлай ислохот этилди. Юз берган янгиланишлар самараси туфайли бугун мамлакатимизда даволаш муассасаларининг сифат жиҳатидан мутлақо янги ва мукамал тизими вужудга келди. Хусусан, биз айти пайтда тиббиётимиз қанчалик юксалганлигини биргина фармацевтика соҳаси янги саноат тармоғи сифатида жадал ривожланаётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шуни айтиш лозимки, истиқлолга қадар дори-дармон ва тиббий буюмларнинг деярли барчаси четдан келтирилар, юртимиз фармацевтика бозоридаги маҳсулотларнинг атиги икки фоизига маҳаллий корхоналар ҳиссасига тўғри келарди. Тизимда бор-йўғи иккита корхона фаолият кўрсатар, улар томонидан атиги 20 га яқин турдаги дори воситалари ишлаб чиқариладди, холос.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида кенг қўламли изчил ислохотлар ўтказилгач, бу борада кўрсаткичлар тубдан ўзгарди. Аввало, ушбу соҳанинг ҳуқуқий замини яратилди. Аҳолини безарар ва самарадор дори воситалари билан таъминлашни кўзловчи “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”, “Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қатор қонунлар қабул қилинди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу ҳужжатлар дори воситалари муомаласини тартибга солиш ва уни такомиллаштиришга мустаҳкам замин яратди.

Шунингдек, соҳага инновацион технологиялар жорий қилиниб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрда қабул қилинган “2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида”ги Қарори дастуриламал вазифасини ўтади.

– Ушбу ҳужжат туфайли миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, тармоқда маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш, илмий-тадқиқот



фаолиятини кенгайтириш ва янги ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш бора-сида замонавий тизим шакллантирилди, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Ҳабибулло Жалилов. – Бунинг баробарида маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва салмоғи ошди. Тармоқ корхоналарини тубдан қайта қуриш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ишлари қизгин паллага кирди.

(Давоми 5-бетда).

Семинар

ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ —
САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

дастури тўғрисида»ги 2221-сонли қарорнинг қабул қилиниши тиббиёт тизимига бўлган эътиборнинг яна бир муҳим жиҳати эканлигини айтиб, мазкур қарор 2009 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1096-сонли Қарорининг мантикий давоми эканлигини ва ушбу қарорлар ижросини бажариш эртанги зўриётларимиз соғлом ва баркамол ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилишини, бунда ҳар бир тиббиёт ходими масъул эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизimini мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорини ўқиб эшитирди ва ушбу қарор бўйича вазирлик томонидан ишлаб чиқилган режа билан иштирокчиларни таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов 2014 йил «Соғлом бола йили» Давлат дастури бўйича мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар ҳамда аҳоли

риш ишлари олиб борилаётганлигига атрофлича тўхталди. Шу билан бирга Давлат дастурида болаларимиз саломатлиги муҳофазасига қаратилган муҳим тадбирлардан эмлаш ишларининг ҳам ўз вақтида ўтказилаётганлиги, республика ва ҳудудий скрининг марказларида ўтказилаётган ҳомилалар аёллардаги биокимёвий скрининг текширувлари, шунингдек, аёл ҳомиласида туғма касалликларни ўз вақтида аниқлаш ишлари режа асосида бажарилаётганлигини эътироф этиб ўтди. Шу-

бий кўрикларни сифатли даражада ўтказиш, айниқса, чекка ҳудудларда яшаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, яъни кам таъминланган оилалар, нафақахўрлар, ногиронлар, қариялар ҳамда даволанишга эҳтиёж сезаётган фуқароларни қамраб олиш зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, куннинг муҳим мавзуларидан бири бўлган никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишда учраётган хато-камчиликларни тилга олиб, бу борада масъул ходимлар томонидан сох-

дорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 50-сонли қарори бўйича олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш муҳимлигини айтиб, юқорида билдирилган эътирозлар бўйича мутасадди раҳбарларга зарурий топшириқлар берди ва 2014 йилнинг иккинчи ярим йиллигида амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Кун тартибидан ўрин олган «Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик-

қилаётган аҳолига 1 нафар умумий амалиёт шифокори, 8 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатар экан. Ушбу ҚВП Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 50-сонли қарори бўйича тажриба асосида олиниб, патронаж ҳамширалар ушбу қарор талабларига кўра баҳоланиб келмоқда. ҚВП мудири Ортиқжон Мухунова билан суҳбат чоғида тажрибали шифокор ўз касбининг моҳир устаси ва аҳоли саломатлиги учун қайғурадиган инсон экан-



нингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Алимов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 50-сонли қарори бўйича амалга оширилаёт-

таликларга йўл қўйилаётганлигини афсус билан айтиб ўтди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ҳам айрим тиббиёт ходимларининг айби билан йўл қўйилаётган хатолар, бунинг баробарида республика миқёсида туғиш ёшидаги аёлларни, яъни исталмаган ҳомилаларликнинг



ни мустаҳкамлаш юзасидан Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида» Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Нишонов маъруза қилди.

Тизимдаги яна бир муҳим ва-

лигини унинг самимий фикрларидан англаб етдик. Камтарин инсон давлатимиз ва Президентимизга ўз миннатдорлигини билдира туриб, ҚВП ёнида Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги томонидан «сендвич» типидagi уй қуриб берилганлиги ва айни кунда шу ерда истиқомат қилиб, аҳолига ёрдами тегаётганлигидан мамнун бўлиб гапирди. Демак, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги 537-сонли баённомасига асосан, тиббиёт ходимлари фаолиятини рағбатлантириш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишларнинг ифодасини кўрдик. Ортиқжон Мухунова яшайдиган «сендвич» кўринишдаги хонадонга кирганимизда меҳмонхона, ётоқхона, ошхона, офис хоналари, шу билан бирга барча шароитлар мавжудлигини кўриб, бундай жойларда бемалол ишлаш имконияти борлигига амин бўлдик, — дейди Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Манзура Нигманова.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар секцияларга бўлинган ҳолда долзарб мавзулар бўйича ечимини кутаятган масалаларга эътибор қаратдилар. Секция ишларида мавзу доирасида масъул бўлган соҳа мутахассислари иштирок этдилар.

Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкиллаштириш, айниқса, профилактик йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи Дониёр Миразимов ва бошқарма бош мутахассиси Барно Одиловлар мавзу доираси бўйича республика тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган ишлар, унинг қаторида учраётган мавжуд хато ва камчиликларга

(Давоми 3-бетда).



саломатлигини сақлашдаги устувор вазифалар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриклари ва уларда аниқланган ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ҳамда исталмаган ҳомилаларликнинг олдини олиш мақсадида 703 минг 457 нафар туғиш ёшидаги аёллар замонавий контрацептив воситалар билан қамраб олинганлиги, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш бўйича тиббиёт ходимларининг тизимли малака ошириши, 6 марта мониторинг ҳафталиги ўтказилганлиги ҳамда 400 нафарга яқин юқори малакали мутахассис барча ҳудудларга сафарбар қилинганлигини айтиб ўтди. Бундан ташқари, ҳудудий мутахассислар томонидан туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир ўғил-қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича соғломлашти-

ган ишлар, жорий йилга мўлжалланган Инвестиция дастуридаги тиббиёт объектиларини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиб, қурилиш ва реконструкция ишлари йилнинг биринчи ярмида 59,1 фоизга бажарилганлиги, Инвестиция дастури бўйича жорий йилда 6 та лойиҳа амалга оширилганлиги ва унинг натижасида «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиникалар учун замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва янги русумдаги апаратуралар етказиб берилаётганлиги тўғрисида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Алимов тизимда «Соғлом бола йили» Давлат дастури бўйича амалдаги ижобий натижалар билан бир қаторда, ечимини кутаятган муаммоларга ҳам алоҳида урғу қаратди. Биринчи навбатда тизимда ўз нуфузига эга бўлиб келаётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги чуқурлаштирилган тиб-



олдини олиш мақсадида уларни контрацепция воситалари билан қамраб олиш талаб даражасида эмаслигини айтиб ўтди. Шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларида тиббий асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланмаслик ҳамда техник ҳолатини ўз вақтида назорат қилмаслик натижасида ишлар самарадорлигига путур етатганлигига эътироз билдирди. Даволаш-профилактика муассасаларида фаолият юритаётган раҳбарларни аттестациядан ўтказиш натижаларига алоҳида тўхталди. Кадрлар таъминоти масаласида кадрлар малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш, уларни мақсадли тайёрлашда клиник ординатура йўналишига ҳам эътибор қаратиш, шунингдек, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини оширишда бугунги кунда долзарб цикларга эътибор қаратиш зарур эканлигини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самара-

зибалардан бўлган кузги-қишки мавсумга тайёргарлик даволаш-профилактика муассасаларида қай тарзда олиб борилаётганлиги тўғрисида вазирлиқнинг соғлиқни сақлаш муассасалари комплекс фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Эргашев ўз фикрларини билдириб, бу борадаги ишлар айрим тиббиёт муассасаларида мутасаддиларнинг эътиборсизлиги туфайли оқсаётганлиги, шу билан бирга йўналтирилаётган маблағлардан тўғри фойдаланилмаётганлиги хусусида танқидий фикрларини билдирди.

Тадбир давомида иштирокчилар Бўстонлиқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Юсуфхона» ҚВП фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Биз «Юсуфхона» ҚВП фаолияти билан танишар эканмиз, Тошкент вилоятининг чекка, тоғли ҳудудидида замон талабларига мос бундай шифо маскани борлигидан мамнун бўлдик. Айниқса аҳоли учун барча шароитлар муҳайёлиги, фитобар ва дорихонанинг мавжудлиги диққатга моликдир. 4000 дан зиёд истиқомат

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ



ходимлари иштирок этди. Мазкур секция ишини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати бош мутахассиси Рихси Салихаджаева олиб борди. Мавзу доирасида асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги “Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарори ижроси бўйича танлаб олинган ҳудудларнинг масъул ходимлари маъруза қилдилар. Мазкур қарор ижроси бўйича Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Хоразм вилоятлари бош ҳамширалари амалдаги фаолиятларга урғу бериб ўтдилар. Бундан ташқари, вазир-



эътибор қаратиб, вазирликнинг 2013 йилдаги 380- ва 2014 йил 13 январдаги 11-сонли буйруқларининг жойлардаги ижроси бўйича ўзаро фикрлашдилар.

— Республикаимиз миқёсида ўтказилаётган бундай семинарларнинг қамрови ниҳоятда кенг десам, хато қилмайман. Тадбирларнинг барчаси бир мақсадга йўналтирилсада, унинг йўналишлари турлича. Ўтказилаётган секция йиғилишларида буйруқлар ижроси бўйича йўл қўйилаётган ҳатolikларга катта эътибор қаратаямиз. Айниқса, чуқурлаштирилган тиббий кўриклар бўйича аниқланаётган мавжуд камчиликлар назоратдаги ишчи гуруҳларини бефарқ қолдираётгани йўқ. Шу ўринда айтишим жоизки, иш жараёнида берилаётган ҳисоботлардаги ҳар бир рақамни нотўғри бериш салбий оқибатларга олиб келмоқда. Маълумки, чуқурлаштирилган тиббий кўриқда асосан, алгоритмга амал қилиниши зарур. Бундан ташқари, бригадаларнинг тўлиқ ташкил қилинмаганлиги ҳам иш сифатига таъсир кўрсатмоқда. Умумий тарзда берилаётган ҳисоботларнинг хато ва камчиликлардан ҳоли эмаслиги раҳбар ва ходимлар томонидан бажарилган ишнинг таҳлили йўқлигидан далолат бериб турибди. Бу борадаги штаблар бежизга ташкил қилинмади. Ав-

вало, ҳар бир мутахассис ўз ишини таҳлил қилиш учун фаолиятига танқидий руҳда қараб, тиббий ҳужжатларни тўғри расмийлаштирса кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бош бошқармаси мутахассиси Барно Одилова.

«Аҳолига бирламчи тиббий



ликнинг 450-сонли буйруғи бўйича меъёрий ҳужжатларни тўғри юритиш ҳамда 161-буйруқ бўйича профилактик хизматлар-

Навбатдаги «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларини туман, вилоят даволаш муассасаларининг ихтисослаштирилган диспансерлар билан узвийлигини таъминлаш масалалари»га бағишланган республика семинари август ойи охирида Қашқадарё вилоятида ўтказилади.

санитария ёрдамини ташкиллаштиришда ўрта тиббиёт ходимларининг роли ва вазифалари» мавзусидаги секция ишида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамширалари, Тошкент вилояти, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг ўрта тиббиёт

ни янада фаоллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Лекин бажарилган ишлар қаторида айрим хато-камчиликлар учраётганлиги ва бундай ҳолатларни олдини олиш муҳимлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, ишлар самарадорлигига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам ўртага ташланиб, ўзаро муҳокама қилинди.

Аҳоли репродуктив сало-

матлигини муҳофаза қилиш, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлили ва мавжуд муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бош-

қаратилган меъёрий ҳужжатларни тўғри юритиш баробарида масъулликларини ошириш, даврнинг долзарб мавзусига айланаётганлигини қайд этди.

Семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги 2133-сонли «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан республиканинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини «**Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!**» шиори остида 11-16 август кунлари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилганлигини таъкидлаб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари, юқори малакали шифокорлари ҳамда жойлардаги соҳа мутахассислари фаоллик билан иштирок этишларини айтиб ўтди.

Хулоса ўрнида айтишимиз жоизки, кенг аудиторияда ўтказилаётган республика семинарлари нафақат тиббиёт ходимлари, балки вилоят, шаҳар ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғини, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқий органлар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлашни тақозо этаётганлиги бежиз эмас. Чунки инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги жамият тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омил эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

байрамолди акцияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан кенг миқёсда ўтказилади

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 258-сонли буйруғи асосида 2014 йилнинг 11-16 август кунлари республика миқёсида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўрик бўлиб ўтади. Бундан асосий мақсад, тизимда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, халқимизга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолининг касалланиш кўрсаткичларини камайтиришдан иборатдир.

Барчамизга маълумки, мазкур тадбирда республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасалари етакчи олимлари ҳамда юқори малакали шифокорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Со-

ғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва вилоятлар тиббиёт муассасалари мутахассислари аҳолини тиббий кўриқдан фаол ўтказишда иштирок этадилар. Унда 14 йўналиш бўйича тиббиёт фанлари докторлари, профессор, доцент ва тажрибали шифокорлардан иборат жами 145 нафар мутахассис жалб этилади, шу

билан бирга жойлардаги малакали мутахассислар иштироки таъминланади.

Бундай кенг аудиторияда ўтказилган тадбир ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Бунда давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, мутасадди вазирликлар, шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарларининг ҳамкорликлари боис, тиббий кўриқдан қўтилган натижага эришилиши шубҳасиз. Оммавий тарздаги чуқурлаштирилган тиббий кўриклар натижаси йилдан-йилга касаллик кўрсаткичлари камайишига ҳамда халқимизнинг



умр давомийлиги ўсишига олиб келаётганлиги халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Бўлиб ўтаётган ушбу тадбирда юртимиз аҳолисининг янада фаол иштирок этиши ҳамда малакали мутахассислар томонидан

уларга кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматнинг ўрни нечоғлик муҳим эканлигини дилдан ҳис этган ҳолда байрамолди акцияси муваффақиятли ўтишига ҳар биримиз масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Таҳририят.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдида

ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН
ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ — АМАЛДА

Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб мурраккаб юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг яхлит ва мукамал ташкилий тузилмаси яратилди. Ушбу фаолиятлар қўламини Самарқанд вилояти тиббиёт тизими мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЖАРАЁН

Дарҳақиқат, бугунги кунда тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар таркибини тубдан такомиллаштириш юзасидан вилоятда бир қатор муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўмағида “Саломатлик” лойиҳаларининг амалга татбиқ этилиши бирламчи тиббиёт тизимини такомиллаштириш учун аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш, шифо масканларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва мутахассислар малакасини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина 2013 йилнинг ўзида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробарга ортгани, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш 82,6 фоизга етгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури”ни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари томонидан вилоятимиз туманларида ташкилий ҳамда амалий-услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Худудлардаги айрим масалалар, мавжуд камчиликлар ишчи гуруҳи томонидан аниқланиб, бу бўйича ёзилган маълумотномалар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ҳамда бошқарма ходимларининг келгусида жойларда ишни тўғри ташкиллаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида фойдаланишлари ва туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларига берилган тавсияларнинг ижросини ҳамкорликда назорат қилиш учун тақдим этиб берилмоқда.

ТИББИЙ КҮРИК ВА САЛОМАТЛИК

Эътиборлиси шундаки, давлатимиз, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили “**Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!**” шиори остида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиб-

бий кўрик, шунингдек, “Саломатлик ҳафталиклари” бирламчи тизим фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд вилояти даволаш-профилактика муассасалари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан вилоятнинг барча туманлари ва Каттакўрғон шаҳри аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишларидаги фаол иштироклари касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом, маънавий етук вояга етказиш бўйича “Соғлом бола йили” Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 17 майдаги “Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2014 йил 13 январдаги “Аҳоли орасида чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ташкиллаштириш тўғрисида”ги буйруқларига асосан, малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи жорий йилнинг май-июнь ойларида вилоят туманлари ва Каттакўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаларида бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб, тегишли кўрсатма ва зарурий тавсиялар беришди.

Кўрик давомида мутахассислар томонидан жами 3337 нафар аҳоли қабул қилиниб, текширувдан ўтказилди.

Мутахассислар қабулида бўлган 2487 нафар кишида турли касаллик ҳолатлари аниқланди, шундан 783 нафар беморга вилоят ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида давомли тиббий текширувлардан ўтиш ва малакали даволанишга йўлланма берилди, 1704 нафар беморга касаллик соҳаси ва даражасига қараб, вилоят туманлари ва Каттакўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмалари марказий шифохоналарининг стационар бўлимларига ҳамда ҚВПларда амбулатор шароитда даволанишлари юзасидан тавсия берилди.

ЛОЙИХАЛАР ТАТБИҚИ ВА ИСЛОҲОТ

Вилоятимизда “Саломатлик-3” лойиҳасининг татбиқ этилиши республика миқёсида туман тиббиёт бирлашмаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, мутахассислар малакасини оширишдан иборат бўлиб, бунинг замирида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсади муҳассас.

Шу кунларда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасидаги фаолият янада такомиллаштирилиб, бу борадаги ишлар қўла-

ми кенгайиб бормоқда. Айниқса, лойиҳа томонидан келтирилаётган ноёб аппарат ва тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги аҳолига янада қулайлик яратмоқда. Жумладан, лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги туман тиббиёт бирлашмаларидан 110 таси AGFA CR 30-X дигитайзер ускунаси билан жиҳозланяпти.

Асосан врач-рентгенолог ҳамда рентгенолог-лаборант фаолият юритадиган AGFA CR 30-X дигитайзер аппаратида ишлаш мутахассисдан аввало билим, тажриба ва кўникма талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жойларда мутахассислар учун ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 30 июнидан 12 июлигача Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари туман тиббиёт бирлашмаларининг 120 нафарга яқин врач-рентгенолог ва лаборанти учун худудий ўқув семинари ташкил этилди.

Ўқув семинарини Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош рентгенологи Александр Ососков ва тиббий технологиялар компанияси муҳандиси Руслан Ахмадсагировлар олиб боришди. Албатта, бундай ноёб ва нозик ускуналарда ишлаш мутахассисдан катта масъулият талаб қилади. Бунинг учун аппаратнинг техник хавфсизлиги, уни асраш ва бошқаришдаги ҳолатларини доимий назорат қилиб бориш зарур.

МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ

— CR 30-X дигитайзер аппарати асосан текширув жараёнида қўлланиладиган лаборатория системаси ҳисобланади, — дейди тиббий технологиялар компанияси муҳандиси Руслан Ахмадсагиров (Тошкент шаҳри). — Ушбу дигитайзер аппарати принтер ҳамда 2 дона компьютер жамланмасидан иборат бўлиб, касаллик ташхисини тўғри аниқлаш ҳамда тезкор таҳлил чиқариш имкониятига эга. Уни врач-рентгенолог ҳамда рентгенолог-лаборант бошқариб боради. Аввало, лаборант беморни рентген текширувидан ўтказиб, компьютер хотирасига бемор ҳақидаги маълумотларни киргизади. Сўнгра махсус кассета (таркибида фосфорли пластина мавжуд) дигитайзерга узатилади. Дигитайзер кассета ичидаги пластинадан керакли маълумотларни лазер ёрдамида ёзиб олади ҳамда компьютер мониторида узатади. Компьютерда врач-рентгенолог беморнинг ташхисини аниқлагач, принтер орқали тасвири плёнкага чиқариб беморга тақдим этади. Бемор ҳақидаги маълумотлар компьютер хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади.

Икки ҳафталик ўқув курси давомида Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари туман тиббиёт бирлашмалари врач-рентгенологлари ва рентгенолог-лаборантларга мазкур ноёб тиббий аппаратуранинг афзалликлари, ундан оқилона фойдаланиш, техника хавфсизлиги ва тўғри сақлаш тар-



тиблари бўйича батафсил маълумотлар берилди. Семинар якунида тингловчилар тест синовларидан ўтиб, махсус сертификатга эга бўлишди.

— Ўқув семинарида Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт бирлашмаларида фаолият юритаётган 30 нафар врач-рентгенолог ва лаборант замонавий CR 30-X дигитайзер аппаратидан қандай фойдаланиш, унинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратиш каби кўникмаларга эга бўлди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош рентгенологи Феруз Воҳидов. — Ўқув семинарини ўтказиш учун махсус хона ташкил этилди. Раҳбариятнинг бевосита ташаббуси билан семинарлар ўтказиш ўқув хонаси мукамал таъмирланиб, замонавий стол-стул ҳамда шкафлар билан жиҳозланди, зарурий шарт-шароит яратилди.

CR 30-X аппарати орқали ўпка, юрак, ошқозон-ичак тизими, суяк-бўғим ва бир қанча аъзолар касалликларини осон аниқлаш имконияти мавжуд. У иш сифати ва самардорлигини ошириш билан бирга, вақтни ҳам тежайди. Илгаригидек, қоронғи хонада плёнка ювиш ёки кимёвий реактивларни ишлатишга эҳтиёж йўқ. Айниқса, мазкур аппаратда махсус кассета ва ёруғликка сезувчан бўлмаган плёнканинг мавжудлиги мутахассисларимизга жуда ҳам қулайдир.

МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

“Оқ халатли посбонлар” — саломатлигимиз ҳимоячилари хонадонма-хонадон юриб, оила аъзоларининг соғлиғидан хабардор бўлишди, тунни кунга улаб беморлар қалбига шифо бағишлайдилар, шунинг учун ҳам тиббиёт ходимлари халқимизнинг юксак ишончу эътирофига сазовор бўлмоқда.

Албатта, юқоридаги фаолиятларни самарали ташкил этишда вилоят ҳамшираларининг ҳам алоҳида ўрни бор. 12 май — Халқаро ҳамширалар кун муносабати билан “Ҳамширалар — соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётимизнинг муҳим таянч ва ҳаракатланувчи кучдир” шиори остидаги тадбир-

ларда ҳам вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамширалари меҳнати муносиб қадрланди. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш мақсадида марказда ходимларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун барча шароитларга эга бўлган машғулот олиб борилди ва “Қувноқ стартлар” мусобақаси ўтказилди. Мусобақада вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 3 та, яъни хирургия, терапия ва маслаҳат поликлиникаси жамоалари иштирок этди. Натижада терапия соҳаси бўлимлари жамоаси I ўринни, жарроҳлик соҳаси бўлимлари жамоаси II ўринни, маслаҳат поликлиникаси жамоаси III ўринни эгаллади ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, ҳар йили марказимизда “Тиббиёт ходимлари кун” кенг нишонланади. Ушбу тадбирларда барча шифокору ҳамшираларимиз меҳнатлари муносиб эъзозланиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш эзгу аъёнага айланиб бормоқда.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни тизимли ташкил этиш мақсадида марказда махсус ишчи гуруҳи томонидан мунтазам иш олиб борилмоқда. Айниқса, Дастур ижросини жойларда ўрганиш, ҳар бир банд бўйича қилинаётган ишларни таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Марказимиз шифокорлари доимий равишда халқ билан ҳамнафас, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда фаол бўлишга, қонунларимиз тарғиботини таъминлашда, аҳоли саломатлигини сақлашда юқори натижаларни қўлга киритишда бор имкониятларини ишга соладилар.

Жорий йилнинг 11-16 август кунлари ўтказиладиган “Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриқда ҳам марказимизнинг малакали мутахассислари фаол иштирок этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, олдимизда турган вазифалар ҳали кўп. Уларни тўғри амалга ошириш, юксак натижаларни қўлга киритишда ҳар бир ходим фаол иштирок этиши даврнинг муҳим талабига айланмоқда.

Хуршида МАТЛЮБОВА,
Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врач.

Тиббий ислохотлар

КЎЧМА ДОРИХОНАЛАР ИШГА ТУШДИ

Бугун юртимизда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ҳуқуқи эга 140 дан ошиқ маҳаллий фармацевтика корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 2000 га яқин номдаги дори препаратлари, тиббий буюм ва тиббий техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, айни пайтда 17 та маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган 45 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар жаҳоннинг қатор давлатларига экспорт қилинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бир вақтлар эҳтиёжнинг бор-йўғи икки фоизини ўзида ишлаб чиқарган мамлакатимиз эндиликда жаҳон фармацевтика бозорида муносиб ўрин топиб, экспорт қилувчи давлатга айланаётганлиги диққатга сазовордир. Зеро, сармоядорлар учун яратилган ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва рағбат соҳага кўплаб сармоядорларни жалб этмоқда. Ишлаб чиқарилаётган дори воситалари қадокланиши, таркиби жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни таркибидаги 8 та корхонада GMP, 24 та корхонада ISO 9001 халқаро сифат кўрсаткичлари бўйича сертификациялаш амалга оширилганлиги эса бунинг яққол ифодасидир.

Ўз-ўзидан аёнки, бу маҳсулот турини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имкони-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни кенгайтирмоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ишлаб чиқариш ҳажми 248,5 миллиард сўмни ташкил этди. Экспорт ҳажми эса 4808,6 минг АҚШ доллариға тенг бўлди.

– Тан олиш керак, бугун дунё фармацевтика саноатида кучли рақобат ҳам, кўп йиллик тажрибага эга бўлган рақобатчилар ҳам етарли, – дейди “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни бўлим бошлиғи Равшан Ортиқов. – Шундай бўлса-да, мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга қаратилган ислохотлар бизни ана шу майдонда ўз ўрнини топишимиз ва мавқеимизни янада мустаҳкамлашимизни тақозо этади.

Тўғри, мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга талайгина қулайлик ва имтиёзлар яратилган. Бундай узоқни кўзлаб амалга оширилаётган тадбирлар миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини ошириш баробарида юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ўринда мамлакатимиз фармацевтика саноати ривожланишида “Дори-дармон” акциядорлик компанияси ҳам ўз ўрнига эгаллигини таъкидлаш жоиз. Зеро, компания фармацевтика бозорида ишонч билан фаолият юритиб келаётган ва изчил ривожланаётган, республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини кенг турдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаётган йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда компания таркибида

8 та акциядорлик жамияти ва 10 та шўъба корхона, 17 та дори-лар омборхонаси, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларида жами 1300 дан ошиқ дори-хона муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу дори-хона-ларнинг аксарият қисми қишлоқ жойларида, шу жумладан 707 таси қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган.

Бундан тўрт йил муқаддам компаниянинг ҳудудий бўлинмалари томонидан маҳсус жиҳозланган 14 та изотермик автомобилларда кўчма дори-хона-лар фаолияти йўлга қўйилган эди. “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасидаги бу борадаги ишлар кўлами янада ортимоқда. Яқинда ушбу муассаса томонидан яна бир ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. Гап шундаки, чекка ҳудудларда яшайдиган аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланишини янада яхшилаш мақсадида маҳсус жиҳозланган “Damas” автомобиллари негизда кўшимча кўчма дори-хона-лар ташкил қилинди.

Бунинг учун “GM Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамияти мутахассислари билан биргаликда кўчма дори-хонанинг экспериментал модели яратилди. Уларнинг ички жиҳозланиши маъқуллангандан сўнг 50 та маҳсус автомобил ишлаб чиқарилиб, тегишли равишда жиҳозланди. Яъни автомашина ичига дори воситалари ва тиббий буюмлар жойлаштирилиб, савдони амалга ошириш учун жавон ва музлаткичлар ўрнатилди.

Мазкур кўчма дори-хона-лар

мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларидаги аҳолини сифатли ва арзон нархдаги дори воситалари билан таъминланишини янада яхшилаш ҳамда аҳолининг дори воситаларига бўлган талабини узлуксиз равишда таъминлашга хизмат қилади. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан маҳсус жиҳозланган 50 та “Damas” автомобиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга етказиб берилди.

– Ҳар бир кўчма дори-хона-лар орқали 500 турга яқин сифатли дори-дармонларни арзонлаштирилган нархларда Оролбўйи аҳолисига етказиб бераёلمиз, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси “Дори-дармон” акциядорлик жамияти раҳбари Гулистон Собирова. – Уларда асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори воситалари, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дамламалар мавжуд. Кўчма дори-хона-лар хизматидан дастлаб Мўйноқ, Элликқалъа, Беруний ва Нукус туманлари аҳолиси баҳраманд бўлди.

Табиийки, бу эзгу ташаббус мамлакатимиз раҳбари бошчи-

лигида юртимизда инсон саломатлигини асрашга бўлган юксак эътибор ва чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Қолаверса, мамлакатимиз фармацевтика бозорини маҳаллий дори-дармонлар билан тўлдириш мақсадида соҳа учун кимё-технолог, биотехнолог, муҳандис каби қатор мутахассислар тайёрлаш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда клиник тадқиқотларнинг ривожланган мустаҳкам базаси мавжуд. Янги дори воситалари ва фаол таъсир қилувчи моддаларни яратиш соҳасида тадқиқотларни амалга оширувчи қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, маҳаллий хом ашёдан табиий шифобахш дори-дармонлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Фақат охириги уч йилда ўзимизнинг фармацевт олимларимиз томонидан 40 дан ортиқ янги дори воситалари кашф этилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги мамлакатимизда ушбу саноат тармоғи нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

**Албатта, бу каби ижобий натижаларнинг барчаси ис-
тиқлол йилларида тиббиёт соҳасида изчиллик билан олиб
борилаётган ислохотлар самарасидир. Бугунги кунда му-
тахассисларимиз томонидан маҳаллий хом ашёдан сифат-
ли, табиий ва самарали дори воситалари ишлаб чиқари-
либ, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда янада чуқур-
роқ изланиш, тажриба ва таҳлиллар олиб борилмоқда.
Зотан, мамлакатимиз раҳбари бошчилигида яратилаётган
имкониятлар, юртимизда инсон саломатлигини асрашга
бўлган эътибор ва чексиз ғамхўрлик фармацевт мутахас-
сисларимизни ана шундай фидойиликка ундамоқда.**

Фуркат САНАЕВ.

Меҳнати таҳсинга лойиқ

ЯРИМ АСРЛИК ФИДОЙИ МЕҲНАТ

Дунёда шундай инсонлар борки, бутун умрини битта соҳа ривожига бахшида этади. Бундай машаққатли меҳнат йўлини босиб ўтиш осон эмас, албатта. Бунинг учун ўз касбини севиш ва ардоқлаш, ҳар қандай тўсиқни енга олиш учун мустаҳкам ирода-ю, ғайрат-шижоат керак. Республикаимиз тиббиёт тизимида ана шундай қалб амри билан хизмат қилаётган тиббиёт фанлари номзоди Карим Ортиқов ҳам санитария-эпидемиология хизматида 56 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда.

Карим Ортиқов 1958 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг санитария-гигиена факультетини аъло баҳо билан тугатиб, илк фаолиятини Тошкент вилоятининг туманларида бирида санитария-эпидемиология станцияси бош врач сифатида бошлади. У тиришқоқлиги, касбига бўлган меҳри билан жамоа орасида тезда танилди. Карим Ортиқов уч йиллик фаолияти давомида мазкур муассасада кўплаб ибратли ишларни амалга оширди. Унинг меҳнатга бўлган иштиёқи ва касб сирларини пухта билганлигини англа-

ган раҳбарият талабчан, қаттиққўл, етук мутахассисни 1961 йилда Тошкент вилояти санитария-эпидемиология станциясига врач-эпидемиолог этиб тайинлади.

Мазкур жараёнда уч йил мобайнида ишлаган фидойи инсон кейинчалик ўта юқумли инфекция бўлимида олти йил давомида, шунингдек, бош врач ўрин-босари вазифасида эса икки йил фаолият юритди. Тажрибали тиббиёт ходими ташаббуси билан ўн беш йил ичида Тошкент вилоятида санитария-эпидемиология станциялари қурилди. Уларнинг моддий-техник базаси ривожлан-

тирилиб, кадрлар масаласига эътибор кучайтирилди.

Карим Ортиқовнинг фидокорона меҳнатлари туфайли вилоятда юқумли касалликлар сони камайиб, уларнинг олдини олишда муайян ишлар амалга оширилди ва ўта хавфли касалликлар кўрсаткичи камайди. Эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилганлиги боис, Тошкент вилояти санитария-эпидемиология станцияси бир неча маротаба биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Карим Ортиқов 1989 йилдан Тошкент шаҳар дезинфекция станциясида бош шифокор вазифасида фаолият олиб борди. Машаққатли меҳнатлар синовидан ўтган олий тоифали шифокор ишини асосан биноларни таъмирлаш ва кадрлар малакасини оширишдан бошлади. Бунинг баробарида, Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси, Миробод, Сирғали, Чилонзор туман дезин-

фекция станциялари эса янгидан қурилиб, замонавий муассасага айлантирилди.

Дезинфекция ишларини ўтказиш учун “ДУК” пуркагич машинаси ва туман дезинфекция станциялари “Матиз”, “Дамас”, “Лада” автомашинаси олинди. Дезинфекция станцияларининг барча ишлари компьютерлаштирилди, меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси тартибга солинди, бош врачлар, бўлим бошлиқлари, врачлар ва эпидемиолог ёрдамчилари олий тоифага эга бўлишди.

Айни кунда бу маскан тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари, врачлар малакасини ошириш курси тингловчилари, ўрта тиббиёт ходимлари ва дезинструкторлар учун амалий машғулотлар

ўтказиладиган марказ бўлиб хизмат қилмоқда.

“Меҳнат қилган элда азиз” деганларидек, Карим Ортиқовнинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланган.

Пиру бадавлат инсон 80 ёшда бўлса-да, ҳамон куч-қувватга тўла. Ундаги барча инсоний фазилатлар тўрт фарзандига ўтган десак, муболаға бўлмайди. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли бўлиб, турли касбларда жамият ривожига халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишмоқда. 12 нафар набира ва 14 нафар эваранинг шодон кулгуси Карим Ортиқовнинг энг катта бойлиги ва келажақдаги давомчиларидир.

**Сўзимизни мухтасар қилар эканмиз, санитария-эпидемиология соҳасида ярим асрдан кўп хизмат қилган фидойи, жонкуяр инсон Карим Ортиқовнинг эл хизматидаги ишларига улкан зафарлар тилаб, бардам-бақувват бўлиб юришларини ис-
таб қоламиз.**

Севара НОСИРОВА.

Обуна — 2014

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикаимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгилекларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.



Хурматли муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
(8371) 233-13-22, 233-57-73.

Бирламчи бўгин фаолияти

«ҚИШЛОҚДОШЛАРИМ, СОҒЛИҒИНГИЗНИ АСРАНГ»

дейди Қўшраббот туманидаги «Тегирмоновул» қишлоқ врачлик пункти шифокори,
«Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Қуроқбой Синдоров

Турли оилавий муҳитда яшовчи, бир-бирига ўхшамас дунёқараши бор ва ҳаттоки касалланиш даражаси билан ҳам фарқланувчи қишлоқдошлари билан кунда, кунаро юзлашар экан, шифокор Қуроқбой Синдоров улар онгида рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан хурсанд бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришмасдан аввал ҳозирги замонавий қишлоқ врачлик пункти ўрнида фельдшерлик-акушерлик пункти фаолият кўрсатар, эски ва кўримсиз бинода аҳолига намунали хизмат кўрсатишнинг имконияти йўқ эди. Аналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, оилаларда бундай нохуш воқеалар кузатилиб турарди.

Ўшанда пункт шифокори бўлиб хизмат қилган Қуроқбой Синдоров ҳали Тегирмоновул, Бозоржой, Қўрғон, Янгиқишлоқ каби аҳолиси анча тарқок жойлашган қишлоқларда тиббиётни юксалтириш, одамларнинг ўз саломатлигини асраб-авайлашига асос бўлиб хизмат қиладиган тиббий саводхонлик ва маданиятни ривожлантириш учун камида 15-20 йиллик давр зарурлигини тез-тез кўнглидан ўтказарди. Бунга эришиш учун йиллар мобайнида сабр-тоқат билан кураш олиб бориш, пунктда тиббий хизмат кўрсатиш учун аҳволни кескин ўнглаш лозим эди.

...1998 йилга келибгина Тегирмоновул қишлоғида Давлат дастури асосида иккинчи типдаги қишлоқ врачлик пункти қад ростлади. Қишлоқдошларини билмадигу, Қуроқбой Синдоров янгидан тилканган, замонавий типдаги бу иншоотда нафақат аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мумкинлиги, балки шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларининг узоқ йиллик орзулари рўёбга чиққанлиги, бу ерда чин дилдан ва ихлос билан меҳнат қилиш имконияти юзага келганини хурсанд бўлиб кўнглидан ўтказди. Хоҳ яқиндан қаранг, хоҳ узоқдан, кўркем иморат Тегирмоновул қишлоғи қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Ўтган йилларни бирма-бир сарҳисоб қилар экан, ҚВП бош шифокори Қуроқбой Синдоров юртимиз мустақиллигидан аввалги дамларни бот-бот кўнглидан ўтказди ва қишлоқдошлари онгида, турмуш тарзида шаклланган ижобий ўзгаришлардан мамнун бўлади. Илгари 9-10 нафар фарзанд кўрган аёллар қайнона бўлиб, келин ва қизларига панд-насихат қилаётганини эшитиб қолади: «Соғлигингни асра, болам. Мана, 10-11 нафар бола туғиб, ўзимизни асло ўйламабмиз. Соғлик энг катта бойлик эканлигини кеч тушуниб етдик. Биз қилган хатони сен такорлама!»

Бундан ташқари, аввал пунктга келишдан кўпинча бош тартадиган кишилар соғлигида ташвишланарли муаммо бўлмаса-да, шифокордан маслаҳат сўраш учун ҳам келади-кан бўлишиди. Фарзанди ёки невараси бетоб бўлиб қолса, ўзича даволамоқчи бўлган она ёки қайноналар бир қадамгина қишлоқ врачлик пунктини нажот макони, деб билмоқдалар.

– Қирқовул қишлоғида истиқомат қиламан. Бизга ҳудудий жиҳатдан «Саксончел» қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатади. Аммо Тегирмоновул қишлоғида тиббий хизмат аёло даражада олиб борилишига гувоҳ бўлганман. Ўтган йили бош шифокор Қуроқбой Синдоров мени даволаган эди, бу гал бир яшар неварамни олиб келдим. Уч кундан буён ичи кетади, иситмаси ҳам бор. Ўтиб кетар десам, унчалик ўнганмади. Шунинг учун пунктга неварамни олиб келдим. Шифокор унга зарурий муолажани ёзиб берди. Неварам соғайиб кетишига ишонаман, – дейди яқинда бош шифокорнинг қабулида бўлган Бўригул Абдурахимова.

Қишлоқ врачлик пунктида 3795 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шундан 851 нафари фертил ёшдаги аёллар, 1127 нафари 0 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар, 211 нафари ўсмир, 193 нафари ўсмир қизлар ва қолганлари имконияти чекланган, касб ёки умумий касалликларга чалинган фуқаролардир. Табиийки, нотекис ва тарқок жойлашган, бир-бирига туташиб кетган ва аҳоли сони жиҳатидан фарқланувчи қишлоқларда тиббий хизмат кўрсатишга умумий ёндашув жараёни анча мураккаблаштиради. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ўтказилган катта йиғилишда Хоразм вилоятининг қайсидир даволаш муассасасида йўлга қўйилган тажрибани барча қишлоқ врачлик пунктлари қўллаб кўриши бўйича кўрсатма берилди. Қўшраббот туманидаги мавжуд 22 та қишлоқ врачлик пунктида ишлайдиган ҳамкасблари бу тажрибага қўл урдими, урмадими, бундан хабари йўқ, аммо хоразмлик ҳамкасбларининг тажрибаси Қуроқбой Синдоровга маъқул келди ва бунинг натижасида патронаж ҳамшираларининг аҳоли ўртасида олиб борадиган қийинчиликларига барҳам берилди.

Мавжуд аҳоли 544 та хонадонга бириккан. Ҳар бир оилада ота-она, қайнона-қайнона, ўғил ёки келин, фарзанд, невар, ҳаттоки чевара ҳам бор. Авваллари фельдшерлик-акушерлик пунктида одам бошига алфавит тартибда анкета очилар, у қайси қишлоқда ёки хонадонда яшайди, бунга аҳамият берилмасди. Хоразмлик шифокорлар қўллаган тажрибада ҳар бир хонадон учун алоҳида буклет ташкил қилиниб, унда барча оила аъзолари учун очилган анкета солиб қўйилади. Патронаж ҳамшираси белгиланган вақтда

ўша хонадонга бориб, ечимини кутаётган муаммони аниқлаб қайтади.

– Хонадонларни анкеталаштириш тажрибасини қўллаётганимиздан бери патронаж ҳамшираларининг мушуқуллари осон бўлди, – дейди бош шифокор Қуроқбой Синдоров. – Бу ҳар бир хонадонга индивидуал ёндашиш имкониятини яратмоқда. Бир кунда бир нечта хонадонга борилиб, оила аъзоларининг соғ-саломатлиги ёки бирор касаллик тури билан оғриш даражаси ўрганиб қайтилади, зарурий ҳолатда уларга тиббий хизмат кўрсатамиз. Эндиликда ушбу тажрибани туманимиздаги бошқа қишлоқ врачлик пунктлари ҳам биздан ўрганиб кетишмоқда. Шу йилнинг март ойида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходимлари пунктимизда жуда катта семинар ўтказиб, хонадонларда бўлишди, улар билан суҳбатлашиб, тиббий хизмат қай тарзда ташкил қилинаётгани, соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, зарарли одатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишишди. Семинар якунида уларнинг таассуротлари жуда ижобий эканлигидан пунктимиз жамоаси беҳад мамнун бўлди. Демак, ишласа бўлар экан, турли баҳоналар билан ўз паст кўрсаткичларини хаспўлашга уринаётган ҳамкасбларимни кўрсам, негадир кўнглим хижил бўлади.

Дарҳақиқат, ушбу қишлоқ врачлик пунктидаги хайрли ишлардан яна бири «Саломатлик сектори» тузилмасининг вужудга келтирилганидир. Унинг таркибига туман хотин-қизлар кўмитаси вакили, қишлоқ врачлик пунктининг барча ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг ҳудудий масъул ходимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаол аъзолари бириктирилиб, бир нечта йўналишдаги вазифаларни ижро этишга ҳисса қўшади. «Саломатлик сектори» тузилмасига мувофиқ, ҳафта кунлари белгилаб чиқилган. Душанба – нуронийлар, сешанба – ҳомиладор аёллар, чоршанба – болалар ва ўсмирлар, пайшанба – хонадон ва экология, жума – аёллар ва қизлар, шанба – таълим муассасалари куни. Аммо бу душанбада фақат қариялар қабул қилинади, бошқаларнинг пунктга келиши мумкин эмас, дегани ҳам эмас. Тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши натижасида, қишлоқ аҳолиси ҳафта кунларининг белгиланишини бажонидил қабул қилиб, айримлар ҳаттоки ўша куни келишга ҳам одатланмоқдалар. Бу эса аҳолининг жорий қилинган тартибга нисбатан кўникма ҳосил қилаётганидан, тиббий маданиятни эгаллаётганидан далолат беради.

Бирламчи тизим шохобчасида фертил ёшдаги аёллар ҳамда ўсмир қизлар билан алоҳида йўналишда иш олиб боришмоқда. Репродуктив саломатлик, туғруқлар орасидаги



интервални сақлаш, контрацептив воситалардан фойдаланиш, ҳомиладорлик даврини меъёрида ташкил қилиш, бу вақтда тиббий кўриқдан тез-тез ўтиш, чақалоқ туғилиши билан уни ҳисобга олиш, ёш даврига кўра уни турли касалликларга қарши эмлаш ушбу йўналишнинг асосий мазмунидир.

Ойзода НОРБОВЕВА, қишлоқ врачлик пункти дояси:

– Ҳомиладор аёллар дастлабки уч ой ичида ҳисобга олинади. Улардан қон, сийдик, нажас таҳлили олиниб, умумий клиник, бикоимевий текширувдан ўтказилади. Ультратовуш аппарати текширувдан туман тиббиёт бирлашмасида ўтказилган ҳомиладор аёлнинг боласи соғлом-носўғломлиги вилоят скрининг марказида аниқланади. Кейинги ўн йиллик давр ичида дунёга келаётган фарзандларимиз соғлом ва бе-нуқсон, болалар ўлими умуман йўқ. Пунктимиз аёлларни текширувдан ўтказиш учун замонавий аппаратлар билан таъминлангани бундай ижобий кўрсаткичга замин яратмоқда. Дистиллятор, автоклапан, фотозлектроколоратор каби замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланмоқдамиз. Ҳомиладор аёлларни учта гуруҳга бўлиб чиққанмиз: соғлом, туғишга жуда кам ҳолатларда рухсат бериладиган ва туғиш мумкин бўлмаган. Ҳар бир гуруҳ билан мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боряпмиз.

«Тегирмоновул» қишлоқ врачлик пункти Қўшраббот тумани, қолаверса, Самарқанд вилоятидаги намунали даволаш муассасаларидан бирига айланиб улгурди. Бунга вақт мобайнида ишга солинган ва вужудга келтирилган янги имкониятлар замин яратаётганини таъкидлаш керак. Жорий йилда қишлоқ врачлик пунктига 5 километр наридан ерости трубази орқали сув келтирилди. Сир эмас, ўтган йиллари сув таъминотида жиддий қийинчиликлар бўлганига қарамай, пункт шифокорлари аҳолига имкон қадар сифатли хизмат кўрсатишнинг уддасидан чиқишга ҳаракат қилган. Сув таъминоти ҳал бўлди, демак, бу ерда иситиш тармоғини ҳам

ишга тушириш мумкин. Пунктга қишқи мавсум учун 6 тонна кўмир келтирилган, қозонхона соз, қишда физиотерапия, лаборатория, муолажа хоналарида барча ходимлар совуққотмасдан, эмин-эркин ишлаши мумкин.

103 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилган қишлоқ врачлик пункти ҳовлисида кираверишда меҳмонларнинг диққат-эътиборини «Ўқинг! Соғлигингиз учун билишингиз шарт» деган эълон тартади. Унда пунктнинг аҳлига хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берилган. ҚВПга кириб борар экансиз, ўнг ва чап томонингизда айлана шаклида ҳосил қилинган оқ, сариқ, пушти, қизил нафис рангли гулзорга кўзингиз тушиб, баҳридилингиз очилади. Қақраб ётган қиру адирда бўстон! 48 сотихлик пункт майдонида митти-митти арча кўчатлари кўзга ташланади. 50 туп экилган ниҳолдан учтаси қуриб қолганини, аммо уларнинг ўрнини келаси йили баҳорда бир неча бавабар зиёди билан қоплашларини бош шифокор келган меҳмонларга хижолат бўлгандек сўзлаб беради.

Раҳбар қандай бўлса, жамоа шундай. Айрим лавозимдор шахслар борки, ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди, ходимлари зиммасига масъулият юклайди. Натижада ўзибўларчилик, сансалорлик ҳукм суради. «Тегирмоновул» қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Қуроқбой Синдоровнинг табиятига бундай ҳолат зид. У ҳар бир ишда нафақат кўрсатма беради, балки иштарок этади, эл манфаатини ўзиникидан устун қўяди, уларнинг соғлигини мамлакатимизнинг энг катта бойлиги, деб билади. Шунинг учун ҳам 2012 йилда у кишининг меҳнатлари ўз муносиб эътирофига сазовор бўлди: «Меҳнат шухрати» ордени жонқуяр ва фидойи шифокорнинг кўксини безаб турибди. Келажақда у кишига бундан-да нуфузли давлатимиз унвонлари насиб этишига тилак билдириб қоламиз.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

ШИФОКОРЛАР ЧЕККА МАҲАЛЛАЛАРДА

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ҳамда истиқлолимизнинг 23 йиллиги шодиёналари арафасида Марфилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифокорлари шаҳарнинг чекка маҳаллаларида бўлишиб, оналар ўртасида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида яратилган шарт-шароит-

лар ва улардан самарали фойдаланиш усуллари, «Соғлом бола – юрт келажаги», «Соғлом она – соғлом бола» каби мавзуларда кўплаб учрашувлар ўтказиб, са-волларга жавоблар беришди.

Тиббиёт бирлашмаси шифокорлари «Ёйилма», «Янги ҳаёт», «Баҳрин», «Йўрмадўз» каби маҳалла фуқаролар йиғинларида болалар ва хотин-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиб, тавсиялар, масла-

ҳатлар, болажонларга бепул дори-дармонлар, витаминлар тарқатдилар.

Мухтасар айтганда, шифокорлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалиётга татбиқ этишдек муҳим вазифани бажариш йўлида бор имкониятларини ишга солишмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси.

Признание

ПАМЯТЬ О ВЕЛИКОМ УЧИТЕЛЕ

Великими учеными не рождаются, а становятся в процессе жизнедеятельности. По сути, каждый человек с рождения наделен теми или иными великими талантами, но далеко не каждый из них обладает таким необычайно сильным характером, который двигает к достижению поставленных целей.

Абу Али Хусайн ибн Абдулла ибн Сино (Авиценна) принадлежит к числу величайших ученых средневековья, обладавших необычайно сильным характером и даже при неблагоприятных условиях средневековья обогативших мировую науку достижениями первостепенной важности.

Даже под воздействием различных неудобных обстоятельств Хусайн ибн Абдулла ибн Сино активно проявлял свои способности. Какие бы голодные и холодные времена ни пережил, он не терял силу духа, веру и стремление к познанию бытия. Только так Авиценна вырос в великого ученого. Он ни ради славы или денег творил и познавал материальный и духовный мир.

Крупнейший врач и мыслитель своего времени очень тонко чувствовал на уровне подсознания, как и в каком направлении движется или должна двигаться мысль, потребности души и тела, что приводило его к величайшим научным, культурным, духовным результатам. Величайший ученый и в наши дни остается значительной фигурой, демонстрируя способность человека к познанию и духовному росту.

Вот как сказал об Авиценне известный организатор здравоохранения современности, доктор медицинских наук, профессор, заведующий кафедрой организации, экономики и управления здравоохранением ТаШИУВ, устоз (наставник) всех врачей организаторов здравоохранения и медицинской статистики Узбекистана Дамин Асадов: "Гордый и непокорный интеллект Восточного Хусайн ибн Абдулла ибн Сино является идеалом для всех врачей Республики Узбекистан. Единым идеалом для всех врачей на нашей планете является, несомненно, плеяда Гиппократ, Гален и Авиценна. И этим все сказано о вкладе Ибн Сино (Авиценны) в развитие современной медицины. Здесь уместно привести красивые слова врача Де Пура, который сказал: "Медицины не существовало до того, как Гиппократ создал её, она была мертва до того, как Гален возродил её, рассредоточена до того, как Разес (Аль-Рази) собрал её, несовершенна до того, как Авиценна (Ибн Сино) завершил её".

Крупнейшему врачу, замечательно-му ученому своего времени еще при жизни присвоены почетные титулы "Хакимибузург" (Великий исцелитель), "Король медицины", "Отец медицины", в "Хорезмской Академии Маъмур" его называли Хаким аль-Вазир ("Князь врачей"), ученики называли Учителем. В Европе он был известен как Авиценна, его сравнивали с Галеном и называли "Галеном Ислама" (возникшее через еврейскую форму произношения Ибн Сино – прозвище "Абен Сена" в дальнейшем было латинизировано в Авиценна).

Трудолюбие Ибн Сино было безграничным как в освоении знаний, так и в передаче их другим. Он оставил после себя огромное творческое наследие: согласно древним источникам ему приписывают около 470 произведений размером от одного листа до 20 томов в 29 областях знаний, 23 на персидском, фарси, остальные на арабском – языке науки и литературы того времени. Многие из них навсегда утеряны, сохранились и дошли до наших дней только 274.

Он обобщил научные достижения своего времени и развил их дальше в энциклопедических трудах по философии, логике, математике, астрономии, физике, минералогии, правоведению, языкознанию, музыковедению. Но главный вклад в сокровищницу общечеловеческой культуры Ибн Сино внёс своими трудами по медицине. Он не только свёл воедино накопленный до него опыт Гиппократа, Галена, египетских, персидских и индийских врачей в медицине, но и дополнил их

своими ценными знаниями, результатами собственных исследований, блестящими открытиями и гипотезами в знаменитом "Китаб ал-Канун фи-т-тибб" ("Канон врачебной науки"), который стал основным мануалом у многих поколений врачей Европы и Азии на протяжении многих веков. Согласно данным ЮНЕСКО, даже в эру "современной медицины" в Брюссельском университете труд Ибн Сино изучался до 1909 года. В "Книге исцеления" (раздел "Анатомия") ученый представил тело человека полнее, чем это делал сам Гален. Интересны и другие его медицинские труды: "О гигиене", "О сохранении здоровья". Тысячи врачей всего мира постигали премудрости медицины на его фундаментальных работах. Хусайн ибн Сино утверждал, что медицина – наука, познающая состояние тела человека, поскольку оно здорово или утратит здоровье, для того, чтобы сохранить здоровье и вернуть его, если оно утрачено. Именно великий ученый Авиценна подготовил базу для развития мировой медицинской науки. Великий герой своего времени мог диагностировать и излечивать около 2000 различных недугов.

Он призывал учеников до конца исполнять свой долг, честно трудиться на благо народа. Он был первым во многих вопросах медицины: указал на заболевания инфаркта миокарда; разработал целое учение о диагностике по пульсу; отделил оспу от кори; открыл, что туберкулез является заразной болезнью; предложил метод выравнивания костей, который и сегодня называется "Способ Авиценны"; рассказывал о том, что сейчас называется "переломом Беннета" (1882), около девяти сот лет до Беннета; применил диагностическую пальпацию печени; рекомендовал выслушивать грудь ухом, выстукивать живот, различал звук «бурдючный» (тупой) и «барабанный» (тимпанический), намного предвосхитив методы аускультации Р. Лаэннека и перкусии Л. Аунбруггера; дал описание многих расстройств психики; указал, что существует тесная связь между здоровьем и психикой; первым установил, что нервы обеспечивают подвижность мускулов и вызывают чувство боли; указал на важность проблемы диабета; предположил о невидимых существах, могущих вызывать лихорадочные заболевания и распространяться через воздух, воду и почву; утверждал, что внешне проявившаяся болезнь обязательно имеет внутренние причины, а симптомы свидетельствуют о действии собственных сил организма, проявляющих эти признаки, и искал способы их стимулирования к борьбе с недугом; уделял внимание физическим упражнениям, называл их самым главным условием здоровья и на следующее место поставил режим питания и сна; впервые сформулировал принципы медицины: "Лечить прежде всего больного, а не болезнь", "Природа оздоравливает, а врач лечит", "Предупредить болезнь легче, чем её лечить"; писал, что основное в искусстве сохранения гармонии – это уравнивание необходимых факторов: уравнишенность натуры; выбор пищи; очистка от излишков; сохранение телосложения; улучшение того, что вдыхается через нос; приспособление одежды; уравнишенность физического и душевного движения; придумал различные хирургические инструменты.

Великий учёный также является изобретателем распространенного в Средней Азии смышкового инструмента гиджака, основал обсерваторию в Исфахане и доказал подвижность апогея Солнца, применил оригинальный метод, который называется "принцип Нониуса" – по имени португальского ученого, заново открывшего этот метод только в XVI веке. Перечисление его предложений, поднимающих медицину на новую высоту, может быть бесконечным. В связи с празднованием 1000-летия ученого-энциклопеди-

ста в иранском городе Хамадане был поставлен памятник, а 29 апреля 1954 года останки "наставника ученых" были перенесены в новый его мавзолей в центре города Хамадана, который был торжественно открыт, мавзолей был воздвигнут по решению Всемирного конгресса мира.

Одна из малых планет Вселенной (2755 Avicenna) названа именем величайшего ученого древности.

Кратер "Авиценна" – кратер на обратной стороне Луны (диаметр 72,99 км, глубина 27,7 м). Название кратера "Авиценна" присвоено в честь средневекового учёного астронома, философа и врача-владельца Авиценны и утверждено Международным астрономическим союзом в 1970 г. В 2006 году горная вершина (Высота 7134 м) на Памире переименована именем "Хакимибузург" (Великий исцелитель). Пока еще недостаточно исследована иллюстрация к поэме "Божественная комедия" Данте, где Авиценна сидит в центре между величайшими врачами античности "Гиппократ, Гален и Авиценна", причем в отличие от двух других у него на голове изображена корона ("Король врачей"). По содержанию рисунок имеет исключительное историческое и художественное значение. В XX в. создано много живописных и графических портретов, скульптурных изображений великого ученого, сюжетных полотен, произведений орнаментального искусства. В Иране художник Мухаммад Садики воссоздал портрет Авиценны, признанный официальным образом учёного в дни его юбилея в Иране. Эта картина получила большую известность, особенно в странах Европы. В 1999 году в Республике Узбекистан в городе Ташкенте был создан Международный фонд "Ибн Сино – Авиценна" с филиалами в областях. В 1980 году проведена в г. Москве Всесоюзная научная конференция, посвященная 1000-летию Авиценны. В 1981 году проведен в г. Дели Международный семинар, посвященный 1000-летию Абу Али ибн Сино. Золотая медаль имени Авиценны, учрежденная ЮНЕСКО в 1980 г., присуждена Президенту Республики Узбекистан Исламу Каримову в апреле 1996 г. за вклад в развитие национальной культуры, сохранение культурно-исторических памятников и укрепление сотрудничества с ЮНЕСКО. Исполнительным советом ЮНЕСКО в 2003 году по инициативе Исламской Республики Иран учреждена международная премия имени Абу Али Хусайн ибн Сино в связи с его 1000-летним юбилеем.

Идея учреждения данной премии вызвана озабоченностью за судьбу человечества в результате воздействия на его моральные ценности, генетику и иммунную систему. Ею награждаются каждые два года ученые или коллективы, добившиеся наиболее значимых результатов в сфере этического осмысления последних достижений в науке и технике. Лауреату вручаются премия и золотая медаль имени Авиценны. Создана в 2003 году ассоциация "Авиценна – Франция" с целью сохранения творческого наследия Ибн Сино. Ассоциация регулярно организует семинары, конференции и поездки с целью распространения мыслей Авиценны во Франции и в Европе.

В январе 2010 года была создана Международная ассоциация народной медицины имени Абу Али Хусайн ибн Сино, приоритетное направление деятельности которой непосредственно связано с восточной медициной. Впервые в 1937 году, спустя девятьсот лет после смерти ученого, в Турции был проведен большой праздник в честь Авиценны, в городе Анкара был установлен прекрасный памятник. Памятники великому мыслителю и ученому Востока X века Ибн Сино были установлены в Ташкенте в сквере Республиканского специализированного хирургического центра имени академика В. Вахидова, в парке специализированного санатория "Турон" и у здания Государственного центра тестирования на аллее великих мыслителей прошлого. В 1973 году 15 мая был открыт музей здравоохранения Узбекистана в г. Ташкенте, где установлен бюст выдающемуся уче-



ному-энциклопедисту Средней Азии.

Городская клиническая больница №1 и уникальный жилой массив города Ташкента названы именем Ибн Сино. Бюст Авиценны установлен в здании Национального медико-хирургического центра в Москве. Современный жилой комплекс "Авиценна", в левобережье реки Ишим, стал лучшим выбором для ценителей качества, уюта и возможности реализации мечты о жизни в самом сердце города Астана. Бюст Авиценны установлен в городе Алматы. Именем Ибн Сино назван санаторий в Нурабадском районе Самаркандской области (лечебный фактор – термальная вода, аналогичная воде Цхалтубо). В центре Бухары воздвигнут бронзовый памятник, а в нескольких километрах от города в поселке Афшана на его родине был установлен памятник и создан музей Авиценны. Бухарский завод по производству медикаментов и одноразовых шприцов назван "Гуфик – Авиценна". В рукотворном оазисе – г. Навои одна из главных улиц названа именем Абу Али ибн Сино. Установлен бюст Авиценны на территории Навоийского филиала республиканского научного центра экстренной медицинской помощи в городе Навои, памятники в МСЧ-3 (город Зарафшан) и МСЧ-1 (город Навои) Навоийского ГМК. В Германии Берлинская медицинская клиника названа именем автора "Китабаль-Канунфит-Тиб" – "Канон медицинский науки", великого медика всех времен и народов, внесшего огромный вклад в развитие медицины. В 2006 году трехметровый памятник Авиценны из гранита и бронзы, подаренный Ташкентом, был установлен в городе Риге, на территории больничного комплекса Гайльззерс в просторном сквере. В городе Душанбе площадь на пересечении проспекта Исмаила Самани и проспекта имени Ибн Сино названа его именем. Многие больницы, поликлиники, медицинские, диагностические центры, фармацевтические заводы и другие учреждения названы именем ученого. Этот список можно продолжать до бесконечности.

Но Ибн Сино был прежде всего человек живого труда и честного дела. Это красной нитью проходит через всю его жизнь. Делу и знанию ученый отдавал громадную энергию и свою душу. Он всюду вносил что-либо новое, оригинальное и оставлял неизгладимый след в своей энциклопедической деятельности. Ибн Сино (Авиценна) не зарывал своего таланта в землю, не останавливаясь на достигнутом, он блестяще развил его. Его богатейшее наследие занимает почетное место в истории развития мировой цивилизации. Память о замечательном, доброжелательном, мудром и уверенном, высококультурном ученом-естествоиспытателе, энциклопедисте средневековья навсегда останется в памяти народов мира. Идеи и научные направления, заложенные великим врачом Ибн Сино, находят свое продолжение в трудах его последователей.

И. ИСМОИЛОВ,
врач ГДКБ №1.



— Любая гиря мне по силам,
я скоро штангою займусь.

Добрые советы

ЛУК ОТ СЕМИ НЕДУГ

В луке содержатся витамины группы А, В и С, а еще кальций, магний, сера и фтор. При помощи лука можно стимулировать пищеварительные процессы, активацию обменных процессов и очищение крови. Используют лук для лечения ряда заболеваний, таких как гипертония, диабет, гастрит, ревматизм, невралгия и пр. Финтоциды, которыми так богат лук, способны уничтожить за считанные минуты огромное количество бактерий и предотвратить их размножение.

Ученые установили, что ежедневное употребление в пищу луковицы весом в 150 граммов способно насытить организм половиной суточной нормы витаминов А и С и пятой частью нормы калия и кальция, являющимися строительным материалом для костного мозга.

В народной медицине лук используют в качестве антисептика. Так, например, кашица из лука-порея способна облегчить боль и снять отек от укуса пчелы или осы. Для того, чтобы рана от пореза или ожога затянулась быстрее, необходимо приложить к ней кусок лука. Согласно народному поверью лук помогает избежать теплового удара в жару. Нужно просто положить луковицу в карман при выходе из дома.

Лук может вызвать обострение некоторых хронических заболеваний, поэтому употреблять в пищу лук людям с панкреатитом и язвенной болезнью желудка следует с большой осторожностью.

(По материалам Интернета).

101 хизмати

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Ёнгинлар катта моддий зарар етказиб, кўпинча одамларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Шу сабабли уларнинг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ушбу соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, «тилсиз ёв»нинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга доир самарали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва техник асосланган воситаларни ишлаб чиқиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жойларда ёнгинлар сонини камайтириш, вақтида олдини олиш ва бартараф этиш, одамларни қутқариш, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг моддий-товар бойликлари, мол-мулкни сақлаб қолиш чоралари кўрилмоқда. Ёнгинлар кўпинча одамлар саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солади. Шу боис, ёнгинга қарши ҳимоя чораларини кўриш нафақат давлат, балки ҳар бир фуқаро олдидаги мажбуриятдир. Бу борада олиб бориладиган ишлар, айниқса, куз-қиш мавсумида янада долзарб аҳамият касб этади. Чунки бундай пайтларда иситиш ускуналаридан нотўғри фойдаланиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, болаларни қаровсиз қолдириш ҳамда янги йил байрами шодиёналарида турли пиротехника воситаларини ўйнаш оқибатида ёнгин ҳолатлари кузатилади.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги соҳа ходимлари томонидан амалга ошириладиган назорат-профилактика ишларини янада кучайтиришга қаратилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳар йили рўйхатга олинган ёнгинларнинг асосий

қисми аҳоли яшаш жойларида содир бўлаётгани эътиборга олинди. Бу борада ахборот-тунтуририш ишларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар ўртасида тунтуририш ишларини олиб бориш ҳам бу борадаги муҳим йўналишлардан биридир. Зеро, кўп ҳолларда ёнгин болаларнинг ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчи ва педагоглар назоратсиз қолдирилиши туфайли содир бўлади.

Республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан ана шундай юсак мақсадларга эришиш учун истиқлолимининг асосларидан бири бўлган нефть ва газ тармоқларини ривожлантиришга қаратилган улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, аҳоли яшаш жойлари, ижтимоий-маданий, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт объектларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш — давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб вазифа, уларни бажаришга барча идоралар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот раҳбарлари масъул эканлиги, ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни бажармаслик эса, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, стратегик ман-



фаатларига таҳдид, деб кўриб чиқиши белгилаб қўйилди. Келиб чиқиш сабаби ва жойидан қатъи назар, содир бўлган ёнгинлар ҳамма вақт мамлакат ва халқлар учун доимо оғир фалокатлардан бири бўлиб келган.

Статистик маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, республикамиз ҳудудида ҳар йили 15 мингдан ортиқ ёнгин содир бўлиб, оқибатда 900 га яқин инсон тан жароҳати олиб, 200 дан ортиқ киши ҳалок бўлиши, ёнгинлар туфайли етказилган моддий зарар миқдори эса бир неча млрд. сўмдан зиёдни ташкил қилиши қайд этилган.

Шундай экан, бундай кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш ўзимизга боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

Нурилла АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар 12-ХҲХО
кичик инспектори.

Шу кеча-кундузда мамлакатимизда об-ҳаво жуда иссиқ. Бу эса табиий равишда ҳар бир фуқародан эҳтиёткорлик ва масъулиятни талаб этади. Чунки ёзнинг жазирама кўшида ёнгин келтириб чиқарувчи сабаблар кўплаб учраши мумкин.

ТАБИАТНИ АСРАШГА ҲАР БИР ФУҚАРО МАСЪУЛ

Бугун гувоҳи бўлганимиздек, аҳоли яшаш уйлари атрофлари, кўча майдонларидаги қурган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетилиши лозимлигига айрим кишилар умуман эътибор қилмайди ва осонгина ёқиб юборишади. Оқибатда эса арзимас бўлиб қўрилган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари натижасида инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар келтирувчи, катта талафотларга олиб келувчи ёнгинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ёнгинлар нафақат моддий, балки атроф-муҳитга ҳам зарар етказади, об-ҳавога турли захарли газлар чиқади. Бу каби ёнгинлар деярли ҳар куни Тошкент шаҳрининг аксарият туманларида содир бўлмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 21 май куни Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 73-уй олдида, 4 июнь куни Қўйлиқ 3-мавзесида жойлашган «Чебурашка» боғи ҳудудида айнан қурган ўтлар ёқиб юборилиши натижасида кучли ёнгин содир бўлган ва уни ўчириш учун ёнгин ўчириш автоуловлари манзилга юборилган.

Аҳоли пунктлари атрофида йиғилган ахлатлар, қурган ўтлар, хазонлар, шох-шаббалар ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда гулханлар ўчмасдан тутаб туриши, атрофга ёқимсиз ҳид тарқалиши натижасида баъзи инсонларда турли аллергия хасталикларнинг кўзгалиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро ўз яшаш жойида, унинг атрофларида қурган ўтларни ёқиб юбормаслик ҳолатларига жиддий эътибор бериши керак. Шунда шаҳримиз гўзаллигига, ободонлаштирилишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Шерзод ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант.

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5439 нусха.
Буюртма Г-858.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти — 20.00.

